

БУХОРО ЯХУДИЙЛАРИНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ

Хосият Равшановна НАФИДДИНОВА

доцент

Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоро яхудийлари моддий ва маънавий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилиб, уларнинг Бухорода яшовчи бошқа миллат ва элатлар билан муносабатларда кескин қаршилиқлар келтириб чиқармаслиги ҳақида фикрлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Бухоро яхудийлари, фольклор, “Шашмақом”, тил, маданият, миллийлик, кийим-кечак, паранжи.

МАТЕРИАЛЬНАЯ И ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА БУХАРСКИХ ЕВРЕЕВ

Хосият Равшановна НАФИДДИНОВА

доцент

Доктор философии (PhD) по историческим наукам

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются особенности материальной и духовной культуры бухарских евреев. Также анализируются мнения о том, что эти особенности не приводили к острым противоречиям в отношениях с другими нациями и народностями, проживающими в Бухаре.

Ключевые слова: Бухарские евреи, фольклор, "Шашмаком", язык, культура, национальность, одежда, паранджа.

Бухоро воҳаси қадимдан турли миллат ва элатлар биргаликда, тинч-тотувликда яшаб келган макон ҳисобланади. Улар ҳар бирининг маданиятида ўзига хос ўхшашликлар ва тафовутлар албатта мавжуд. Аммо бу ўтмишда турли халқларнинг ҳамжиҳатликда яшашига ҳеч халақит бермаган. Воҳада шундай ўзига хос диаспоралардан бири Бухоро яхудийлари ҳисобланади.

Бухоро яхудийлари Марказий Осиё этнографиясида ўзига хос алоҳида ўрин ва мавқега эга. Улар албатта тил, дин, ошхона, кийиниш маданияти билан бошқа миллатлар ва халқлар маданиятидан фарқ қилади. Бухоро яхудийларининг ўзбеклар ва тожиклар билан кўп йиллик қўшничилик муносабатлари уларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир қилган. Аммо сўнгги

йиллардаги эмиграция жараёнлари бу халқлар тили ёрқин сақланишига бироз салбий таъсир кўрсатган. Шундай бўлишига қарамай, бу борада бир қатор салмоқли ишлар қилинган.

Ўзбекистон ва хусусан Бухоро воҳасида яшаётган турли миллат ва элатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини тарихий-этнографик таҳлил этишда илмий билишнинг анализ ва синтез, ретроспектив таҳлил, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик усул, синергетик усулларидадан фойдаланилган.

Бухоро яҳудийларининг мусиқа маданияти Яман, Мароқанд ва бошқа Шарқ яҳудий халқлари маданиятидан кам ўрганилган .

Бухоро яҳудийлари мусиқий мероси иккита ката гуруҳга бўлинади. Булар:

1) оғзаки анъаналарнинг профессионал ижоди; 2) фольклор.

Бухоро яҳудийлари профессионал ижодининг муҳим турларидан бири – аёл созандалар ансамблидир. Бу хонанда-раққоса санъати ҳисобланади. Бундай аёллар тўйлар ва турли оилавий тадбирларда иштирок этган.

Профессионал оғзаки мусиқа санъати анъанасининг муҳим нуқталаридан бири Бухоро шашмақомидир. Шашмақом тарихдан маълумки, ўзбек ва тожик халқларининг мероси ҳисобланади. Бу албатта, санъаткорларнинг шахсий талант ва иқтидорига боғлиқ. Бу борада бухоро яҳудийларидан Леви Бобохонов, Габриел Муллаканди, Барно Исхаковаларнинг ҳиссаси катта. Уларнинг хизматлари бу жанрнинг машҳур бўлишида аҳамиятлидир. Оилавий маросимларнинг (Бар (Бат) Мисва, Брит-Мила ва бошқалар) ҳам яҳудийлар фольклор анъаналари билан тўғридан-тўғри алоқаси бор, албатта [1; 164-173]. Аммо ёзма фольклорда “Шашмақом”нинг ноталари қайд этилганлари афсуски, унча кўп бўлмаган. Бу – сиёсий сабаблар билан боғлиқ.

Фольклорнинг бошқа яна бир тури кишиларнинг маиший ҳаёти билан боғлиқ. Яъни кишиларнинг хурсандчилик кунлари билан алоқадор унаштирув базмида (Ширинхўри), келиннинг юзини ва қошини териш

билан боғлиқ (Қошчинон), диний маросим Хупо, янги тўйи бўлганларнинг ота-онасини чақириш билан боғлиқ – Домоддаророн каби маросимларда махсус куйланадиган қўшиқлар бўлган. Тўй маросим қўшиқлари ўзининг ниҳоятда бойлиги билан фарқланади [2; 8].

Бундан ташқари, яна алоҳида бир жанр – бу диний мазмун билан боғлиқ бўлган тарихий-эпик қўшиқлар ҳисобланади. Бу мазмундаги қўшиқлар кўпинча яҳудийларнинг муқаддас китоби “Библия”даги қаҳрамонлар номи билан боғланган [3].

Қисқача қилиб айтиш мумкинки, бухоро яҳудийларининг муסיқий мероси Марказий Осиё маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тадқиқотларнинг мақсади эса бу ўзига хос қимматли миллий маданиятни йўқолиб кетишининг олдини олиш ҳисобланади.

Ҳар бир халқ моддий-маънавий меросида кийиниш маданияти алоҳида аҳамиятга эга. Яҳудийлар ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг анъанавий кийиниш маданиятида бошқа халқлардан фарқлари – кийимларининг тузилиши, ранги ва қўшимча деталларда кўзга ташланади. Дастлаб Бухоро яҳудийлари ўзининг кийиниш маданиятини араб халифалигидан мерос қилиб олган бўлса, кейинги даврларда яшаган ҳудуди маданиятидан келиб чиқиб у бир қатор ўзгаришларга учраган.

Ислом дини кириб келиши билан салла ўраш мусулмончиликда фарз саналган, эътиқод белгиси бўлган. Мусулмон эркакларининг 7 ёшидан умрининг охиригача бошларида салла бўлган. Бу аввало Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарга умматлик рамзи.

Салла форс-тожик тилида «тугун», араб тилида эса «аъмома» дейилади. Қадимда узоқ сафарларга, масалан, ҳаж зиёратига чиққан мусулмонлар беҳосдан вафот этганларида ёки урушларда шаҳид бўлган инсонларнинг охират кийимлари – кафан вазифасини салла ўтаган. Мусулмонларни ўз салласига ўраб дафн қилишган.

Қадимда саллали киши маърифатга, диний тариқатга яқин, дахлдор ҳисобланган. Салланинг узунлиги 5-7-9-11-13 метр ёки инсоннинг гавдасига

қараб ундан юқори бўлиши мумкин, эни 60–70 см қалинликдаги докадан бўлиши керак. Салланинг оқ, қора, кўк каби турли ранглари мавжуд. Лекин оқ рангдаги салла уларнинг энг афзали ҳисобланади [4]. Аммо Бухоро яҳудийлари воҳадаги бошқа мусулмон халқлардан биров фарқли ҳолатда бўлган. Масалан, Ханников бу ҳақда Бухоро яҳудийлари салла боғлаши мумкин эмаслиги, унинг ўрнига ўзларининг сукна деб аталган кичкина, қора қалпоқчасини кийиши мумкинлигини айтган. «Бундан ташқари, улар алача чопондан бошқа тўн кийиши, камар боғлаши тақиқлангани, унинг ўрнига қайиш боғлаши» мумкинлиги манбаларда тасдиқланган [5;71–72]. Бу каби ҳолатлар мамлакатда Бухоро амирлиги давлатни бошқариб турган вақтда яҳудийларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари атайлаб камситилганини кўрсатади. Аммо Бухоро амирлиги 1920 йилда тугатилганидан кейин бу каби ҳолатларга қонуний тарзда чек қўйилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шундай бўлса-да, Бухоро яҳудийлари кийиниш маданиятида ўзига хосликни сақлаб қолган.

Аммо умумий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, юқоридаги ҳолатлардан бошқа кўринишларда Бухоро яҳудийларининг кийинишида Марказий Осиёнинг бошқа халқларидан фарқли жиҳатларни деярли учратмаймиз. Улар ўзининг этник, маҳаллий, ижтимоий, ёш, матоларнинг турлари ва безашдаги жозиба билан воҳанинг бошқа халқларидан айтарли фарқ қилмаган. Аммо масалан, Эронни олиб қарайдиган бўлсак, у ерда яҳудийлар кўкрак қисмига қизил матодан айлана тикиб, ичига кумуш рангдаги ип билан “Бен-Исроил” деган ёзув бежирим шаклда туширилган [6; 460–465].

Кийинишдаги асосий элементлардан яна бири – бу паранжи ҳисобланди. Паранжи ҳам Марказий Осиё халқларига хос бўлган моддий ва маънавий ёдгорликлардан бири бўлиб, Бухоро яҳудийлари ҳам кўп ҳолатларда ундан фойдаланган. Лекин мусулмонлардан фарқли равишда улар юзини ёпиб юриши шарт бўлмаган. Ҳатто, Бухоро яҳудийларида паранжи келин сарпо таркибига ҳам кирган. Бироқ маросимлар давомида

келин юзини тўсгани деярли манбаларда айтилмаган. Яъни никоҳ вақтида келин паранжида бўлса ҳам, Бухоро тожик ва ўзбеклари каби юзини оқ мато билан ёпмаган. Ўзбек ва тожиклардан фарқли равишда улар никоҳдан кейин саккиз кун давомида ва биринчи фарзанди туғилганидан кейин қирқ кун «чилла» вақтида эркакнинг оила аъзолари билан гаплашмаслиги ва козига кўринмаслиги керак бўлган. Шу сабабли, келинлар чилла даврида ўз уйларига қайтишган. Паранжи учун мато танлашга тўхталадиган бўлсак. Ўзбек ва тожикларда одатда, бу унчалик эътиборни жалб қилмайдиган йўл-йўл алача пахта матосидан тикилган. яҳудийларда эса бироз ёркинроқ рангларда ва ипакдан тайёрлангани эслатиб ўтилган [7;45]. Қолаверса, яҳудийлар паранжини чиройли деталлар билан безашда мусулмонлардан анча олдинда бўлган. Бу албатта, кўпроқ мусулмон халқларининг эътиқодига боғлиқ. Чунки мусулмон аёллар учун паранжи безак воситаси ҳисобланмаган. Яҳудийлар учун аксинча, у ўз эгасининг бойлиги, таъби, ёши, мавқеи, куч-қудрати ва ўзига хослигини кўратиш рамзи саналган.

Ҳар бир халқ моддий маданиятининг асосий элементларидан яна бири – бу шу халқнинг ошхонасидир. Марказий Осиё халқлари ошхонасини паловсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уни турли халқлар турлича номлар билан аташади. Масалан, палов, пилав, ош ва ҳоказо. Тадқиқотчилар паловнинг гўшти, уни тайёрлашда фойдаланиладиган маҳсулотлар тартибидан тортиб, тайёрлаш услубигача ўндан ортиқ турлари борлигини таъкидлаган. Масалан, этнограф олим Ф.Д.Люшкевич Бухоро ва Қашқадарё вилоятини ўрганиб, маҳаллий паловнинг 14 турини санаб ўтган [8; 90–97].

Худди шундай яҳудийларда ҳам палов таомлар шоҳи бўлиб, бахш деб номланган ва унинг уч тури бўлган. Булар бахш деги, бахш халтаги ва бахш шаботи [9; 370–380]. Бахш яҳудийларга тегишли таом бўлиб, у Бухоро тожик ва ўзбекларида тайёрланиш таркиби ва тартиби билан фарқланади. Уни тайёрлаш учун гўшт ва жигар, ёғ, гуруч, кўпгина кўкатлар, асосан кашнич (шу сабабли кўк палов ҳам дейилади)дан фойдаланиб, пахтали халтага барча маҳсулотларни солиб пиширишади. Қайнаб турган ёғда бир

неча соат давомида пиширилади. Бу таомни яхудийлар инсон ҳаёти учун муҳим барча маросимларда тайёрлайди. Одатда, барча ҳолатларда паловни тайёрлашда қўй ёки мол гўштидан фойдаланилади. Фақат яхудийларнинг диний байрами ЙомКиппурда оқ товук гўштидан ош тайёрланади. Шу сабабли, бу ош «мурғи сафетхўри» деб номланган [10; 57–63]. Бу таом одатда, кундузи истеъмол қилинган ва қўшнилarga ҳам тарқатилган. Бунга кўпроқ ўзбек ва тожикларга хос бўлган анъана, етти хонадонга ош тарқатиш одатига риоя қилинган. Чунки мусулмонлар эътиқодида етти рақами алоҳида эътиборга молик бўлган. Бу эса яхудийлар анъана ва урф-одатларига таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда ҳар бир диаспора ўз миллийлигини сақлаб қолишида миллий-маданий марказлар фаолиятининг аҳамияти катта. Худди шундай яхудий миллий-маданий маркази бу борада бир қатор салмоқли ишларни амалга оширган.

Бу маданий марказнинг ташкил топиш тарихига назар ташласак, 1989 йилги аҳоли рўйхатига кўра Ўзбекистонда 28369 Марказий Осиё яхудийлари бўлиб, улардан 4220 таси Бухоро шаҳрида, 5427 киши эса бутун Бухоро вилоятида истиқомат қилади. 1989 йил октябрда Тошкентда Ўзбекистон Маданият министрлиги қошида Бухоро яхудийларининг “Некқадам” эксперементал театр студияси очилади. 1990 йилда Тошкентда Бухоро яхудий маданий маркази ташкил қилинди. Бундай маданий марказлар Душанбе, Самарқандда ҳам очилган эди [11; 81]. Бухоро яхудийларининг Самарқанд маданий маркази 1992 йил январдан “Шофир” деб номланган ойлик газетасини чиқара бошлайди. Бухоронинг ўзида яхудийлар маданий маркази “Шалом” 1990 йил баҳорида ташкил топади. Шу йилнинг 5 апрелида таъсис конференцияси бўлади, 24 апрелда Марказ шаҳар ижроия қўмитаси томонидан расмий рўйхатдан ўтказилади. 1992 йил сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ марказ вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтади ва тегишли гувоҳнома олади. Миллий-

маданий марказ фаолиятига таяниб, бир ярим минг йил аввал Марказий Осиёга келиб қолган яҳудийларнинг шу кунга қадар яшаб, маҳаллий халқлар маданиятига фаол ўз умумий улушларини қўшиб келаётганлигини, уларсиз Марказий Осиё тарихини тасаввур қилиш қийинлигини аниқлаш мумкин [12;2].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бухоро воҳаси халқлари моддий ва маънавий маданиятини Бухоро яҳудийларисиз тасаввур қилиш қийин. Минг йиллар давомида улар воҳада яшаб келгани туфайли кўпгина ассимиляция ва диссимиляция жараёнларини бошидан кечирган. Аммо шундай бўлишига қарамай, маданий, маиший ва ижтимоий ҳаётнинг кўпгина жабҳаларида ўзлигини сақлаш билан боғлиқ фарқли жихатларни асраб қолган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Цетлин М.К. Средневековой путешественник Вениамин Тудельский. Страны и народы Востока. – Москва, 1964.
2. Рейхер Е. песенный фольклор Бухарских евреев. – Москва, 2012.
3. Idelshon A.Z. Thesaurus of Hebreworiental music, vol.3. Berlin-Jerusalem-Vienna, 1922.
4. Dala ma'lumotlari. Buxoro, 2025-yil.
5. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843.
6. Еврейская энциклопедия (ЕЭ). Т.12. – Москва, 1980.
7. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма. – Москва, 1982.
8. Люшкевич Ф.Д. Некоторые особенности пищи у оседлого населения Бухарской и Кашка-дарынской областей Узбекской ССР // Новое в этнографических и антропологических исследованиях. – Москва, 1974.
9. Кимягаров А. Кухня // История бухарских евреев. Т.2. – Москва, 2005.
10. Емельяненко Т.Г. Плов в традиционной ритуальной кухне бухарских евреев // Бухарские евреи: История, этнография, кухня.– Москва, 2012.
11. Алмеев Р. Бухарские евреи (историко-культурный очерк). – Бухара, 1998.

12. Алмеев Р. Исследования и материалы по истории и этнографии бухарских евреев. – Бухара, 1998.